

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА УЗБЕКИСТАНА
ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ СВОИ ПРАВА?

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА УЗБЕКИСТАНА
ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Методик қўлланма

ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ СВОИ ПРАВА?

Методическое пособие

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2007

78.342

Ў 16

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

Таржимон

Муҳаррирлар

Масъул муҳаррир

Матн терувчи

Г.Афанасьев

У.Тешабоева

Т.Егорова, Ҳ.Маматраимова

О.Қиличбоев

З.Жалилова

Ҳуқуқингизни биласизми? = Знаете ли вы свои права?:
Метод. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-
наси; Тузувчи Г.Афанасьев; Таржимон У.Тешабоева;
Муҳаррирлар Т.Егорова; Ҳ.Маматраимова; Масъул
муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-84 б.

КБК 78.342+67.404

Ушбу методик қўлланма кутубхоналар, ахборот-кутубхона
ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига иш жараёнларида
учрайдиган турли саволлар, зиддиятли ҳолатлар, турли
тушунмовчиликларига жавоб топишларида, ўз ҳуқуқ ва
мажбуриятларини билишларига яқиндан ёрдам бериш
мақсадида тузилди.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил.

Сўз боши

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг справка адабиётлари, ҳуқуқий-меъёрий адабиётлар, маълумотлар базаси, турли тармоқлар бўйича иш фаолиятларини юритишларидаги регламент ҳужжатлари, шунингдек ходимнинг малакаси ва ҳуқуқий тайёргарлик даражасининг етишмаслиги фойдаланувчилар, раҳбарлар ва шу муассаса мутахассисларининг сўровларини бажаришда, уларнинг кўплаб муаммо ва низоли вазиятларини ҳал қилишда, қизиқтирган саволларига жавоб топишларида уларни бошқа ташкилотларга, нашриётларга мурожаат қилишларига сабаб бўлмоқда.

Тўпلامнинг мақсади – кутубхоналар ва ахборот-кутубхона муассасаларининг айнан касбий ва улар фаолиятининг бошқа йўналишларига тааллуқли баъзи сўроқларига тушунтиришлар беришдир.

Тўпلام савол-жавоб тариқасида расмий ҳужжатларга, шунингдек амалий тажрибага асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Чунки ахборот кутубхона ишининг баъзи масалаларида меъёрий ва тавсия ҳужжатларининг эскиргани ёки йўқлиги ҳаммага маълум.

Кўлланма раҳбарлар ва ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига мўлжалланган. Бошқа ташкилот ва муассаса ходимлари ҳам ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб топишлари мумкин.

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Қандай ҳужжатлар кутубхонанинг ички меъёрий ҳужжатларини ташкил қилади?

Ҳужжатлар идора ичида, шунингдек бошқа муассасалар, шериклар, воситачилар билан ташкилий-ҳуқуқий, меъёрий, ишлаб чиқариш муносабатларини мустаҳкамлайди, ва қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади, уларнинг бажарилишини қайд қилади, таҳлил ва умумлаштириш воситаси маълумот иши учун материал бўлиб хизмат қилади, тарих гувоҳи ҳисобланади.

Кутубхона ички меъёрий ҳужжатларини ташкил қилувчи ҳужжатлар рўйхати аввало унинг ташкилий-ҳуқуқий статусига, шунингдек бошқа омилларга – таъсисчи, ишбилармон шериклар ва ҳ.к.лар талабига ҳам боғлиқ..

Юридик шахс ҳисобланувчи кутубхонада ҳужжатлар рўйхати корхона, муассаса, ташкилотнинг тузилмавий бўлинмаси ҳисобланувчи унча катта бўлмаган кутубхонага нисбатан тўлиқроқ бўлади.

Асосий меъёрий ҳужжатлар рўйхати:

1. Таъсис этувчи шартнома – кутубхона ташкил этиш ҳақидаги мулкдорнинг қарори.

2. Кутубхона устави – асосий таъсис этувчи ҳужжат.

3. Кутубхона ҳақида Низом – юридик шахс статусига эга бўлмаган кутубхоналар учун асосий тартибга солувчи ҳужжат.

4. Кутубхонадан фойдаланиш қоидалари – кутубхона ва фойдаланувчи муносабатини тартибга солувчи асосий мажбурий ҳужжат.

5. Кутубхонанинг ички меҳнат тартиб қоидалари - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ маъмурият ва кутубхона ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги ҳужжат.

6. Коллектив (жамоавий) шартнома – кутубхонадаги ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжат.

7. Кутубхонанинг штатлар жадвали.

8. Кутубхона бўлинмалари тузилиши ҳақидаги Низом – кутубхонадаги ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солувчи ҳужжат.

9. Ходимлар билан меҳнат шартномалари (контрактлар).

10. Фаолиятнинг алоҳида жиҳатлари ҳақидаги Низом: пуллик хизматлар, шартномавий муносабатлар, ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш ва бошқалар.

11. Ходимларнинг лавозим йўриқномалари.

12. Директорнинг (бўлим мудирининг) буйруқ ва фармойишлари.

13. Коллегиал, эътиборли ва жамоатчилик бошқарув органларининг (йиғилиш, мажлис, кенгаш ва бошқалар) қарорлари.

14. Юқори органлар ва ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари.

Кутубхоналарга хўжалик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериладими?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 03.09. №414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юридик шахс статусига эга бўлган бюджет ташкилотларини молиявий таъминланиш манбаини қуйидаги қўшимча даромадлар ҳисобига кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ деб топилган:

- фаолиятининг ихтисослигига қараб маҳсулот, ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш;

- бюджет ташкилотларига улар томонидан вақтинчалик фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа давлат мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

Пуллик хизматни ташкил қилиш ишларида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 й. 04.01.даги №14-2А сонли «Бюджет ташкилотларида маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби»га, вазирликлар ҳамда идораларнинг пуллик хизмат турлари ҳақидаги низом ва бошқа

хужжатлари, шунингдек, аниқ шарт-шароит ва ўзига хосликдан келиб чиққан ҳолда тартибга солинган ҳужжатларга асосан ишлаб чиқиладиган кутубхонанинг ички ҳужжатларига таянмоқ, амал қилмоқ даркордир.

«Бюджет ташкилотларида маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби»нинг 2.1-моддасига мувофиқ бюджет ташкилотлари маҳсулот (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишни бюджетдан маблағ билан таъминлаш ва тасдиқланган меъёр ва меъёрий асослар, юқори ташкилотларнинг топшириғи ва Низоми (Устави)да кўзда тутилган, фаолиятига мувофиқ бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 03.09. №414 қарори билан 2002 йил 1 январгача, 2005 й. 28.12. №610 қарори билан 2008 йил 1 январгача бюджетдан ташқари манбалардан олаётган қўшимча даромлари учун бюджет ташкилотлари Давлат бюджетига ундириладиган барча турдаги солиқлардан озоддирлар.

Кутубхона амалиётига пуллик хизматларни татбиқ этиш, аҳолига бепул ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифати ва ҳажмини пасайтирмаслиги керак.

Кутубхона биноси ва мулкни ижарага бериш мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 03.09 №414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида юридик шахс статусига эга бўлган бюджет ташкилотларига маблағ билан таъминлаш манбаларини бошқа ташкилотлар вақтинчалик фойдаланилмаётган бинолар, шунингдек бошқа давлат мулкни ижарага бериш ҳисобига кенгайтиришга рухсат берилган.

Бинони, вақтинчалик фойдаланилмаётган техник воситаларни, жиҳозларни, инвентарни ижарага беришда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг 1999 й. 29.11 даги №17-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

1999 й. 23.11 даги №88-сон билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари вақтинчалик фойдаланилмаётган давлат мулкни бошқа муассаса ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисида» ги Низомига амал қилмоқ даркор.

Мулкни ижарага бераётганда ижара шартномаси тузилади ва унга ижара муносабатларига киришган субъектларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, ижара ҳақи ўлчови ҳамда коммунал ва эксплуатацион хизматлари бўйича тўловлар ва бошқа масалалар аниқлаб берилади.

Вақтинчалик фойдаланилмаётган бино ва мулкни тақдим этишдан тушган маблағнинг 50 фоизи тегишли маҳаллий бюджетга, қолган 50 фоиз қисми кутубхона ривожига ўтказилади.

Кутубхонада битта ходим билан иш кунини қандай яхши ташкил қилиш мумкин?

Қоидага кўра, битта ходим ишлайдиган кутубхона фойдаланувчиларга бир кунда камида 5-6 соат (меҳнат ҳафтасига боғлиқ ҳолда) хизмат кўрсатади. Икки-уч соат ички ишларга ажратилади ва унда кутубхоначи китобларни жойлаштиради, газеталарни кўриб чиқади ва тикади, кўргазмаларни янгилайди. Каталогларни тўлдиради ва ҳоказолар.

Китоб нархини қандай аниқлаш мумкин?

Китоб нархини аниқлаш билан кутубхонада ташкил қилинган фонд комиссияси шуғулланади. Китобнинг нархи алмаштириш вақтидаги китобнинг ўртача нархидан келиб чиқиб аниқланади. Бунинг учун охириги йилда адабиётларни олиш учун сарфланган маблағ иш вақт оралиғида сотиб олинган нусхалар сонига бўлинади. Охириги ярим йиллик ёки кварталнинг натижаларидан келиб чиқиб ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин. Олинган нарх китобнинг нархи ҳисобланади. Баҳолашнинг бошқача усули ҳам амалиётда мавжуд – бу истеъмол таннарх индекси ёрдамида ҳисоблаш олиб борилади.

Нархлаш пайтида букинистик магазинларга маслаҳат учун муурожаат этиш ҳам мумкин. Фонд комиссияси томонидан қабул қилинган китобнинг баҳоси далолатнома билан расмийлаштирилади ва у китобнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Фонд комиссияси китобни баҳолашни аниқлашларида бир қатор турли далилларни, яъни ҳолати, нашр этилган йили, долзарблиги, фойдаланувчилар томонидан сўралиши ва бошқаларни ҳисобга олишлари керак.

II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТИ)НИ ТУЗИШ

Меҳнат шартномасини расмийлаштириш нималардан ташкил топади?

Ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси (контракт) тузилганини билдиради. Меҳнат Кодексининг 72-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси белгиланган мутахассислик бўйича ишларнинг бажарилиши, ихтисослик, томонларнинг белгиланган келишуви шартларида ички меҳнат интизомига бўйсунуш билан шахсни рағбатлантириш учун ишчи ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро битим ва меҳнат тўғрисида қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 11.03 да №133-сонли (илова №2) «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексидаги зарурий амалга ошириладиган меъёрий далолатномаларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорида тасдиқланган меҳнат шартномаси (контракт)нинг намунавий шаклини ҳисобга олган ҳолда ёзма шаклда тузилади.

Вазирлар Маҳкамасининг (илова 1) шу Қарорига мувофиқ «Ёзма шаклда меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш бўйича тавсиялар» ҳам тасдиқланган. Бу тавсиялар ва меҳнат шартномасининг Намунавий шакли меҳнат шартномасини тузаётган барча корхона, муассасалар, хусусий мулкнинг барча шаклдаги ташкилотлари ва ходимларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси доимий (ноаниқ вақт мобайнига ишга олинган) ва шу билан бирга асосий иш жойига таянган ҳолда тезкор (5 йил муҳлатгача ва белгиланган ишни бажариш учун) ишга олинувчилар, ўриндош, уйда ишлайдиганлар ва бошқалар билан тузилади.

Меҳнат шартномаси камида бир хил кучга эга икки нусхада тузилиб, у ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан, томонларнинг манзили ва имзоланган сана кўрсатилган ҳолда мустаҳкамланади ва томонларнинг ҳар бирига берилади. Мансабдор шахснинг имзоси ташкилот, корхона, муассасанинг имзонинг ҳақиқийлиги ва қонунийлигини кафолатловчи муҳр билан тасдиқланади.

Тузилган меҳнат шартномаси имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Ходим меҳнат фаолиятини бажаришга шартномада кўрсатилган кундан бошлаб киришишга мажбур. Агарда меҳнат шартномасида ишни бошлаш санаси аниқланмаган бўлса, ишчи шартнома тузилган куннинг эртасидан ишга киришиши шарт.

Меҳнат шартномалари қанча муддатга тузилади?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 75-моддасига мувофиқ шартномалар қуйидагича тузилиши мумкин:

- ноаниқ муддатга;
- аниқ бўлган, лекин 5 йилдан ошмаган муддатга;
- белгиланган ишларни бажариш вақти учун.

Ноаниқ муддатга тузилган меҳнат шартномасида ходимнинг шартномадаги меҳнат фаолияти муддати аниқланмагани учун у доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Меҳнат шартномасида аниқ кўрсатилган муддат – шартномада ишнинг бошланиши ҳам, тугалланиши ҳам тезда бажариладиган шартномаларга қуйидагилар тегишли: маълум бир муддатга белгиланган, лекин 5 йилдан ошмайдиган ва белгиланган ишни бажариш учун кетган вақтга тузилган шартномалар.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, унда шартнома ноаниқ муддатга тузилган

деб ҳисобланади (Меҳнат шартномаси 75-моддасининг 2-қисми).

Ноаниқ муддатга тузилган меҳнат шартномаси аниқ муддат учун, шунингдек ходимнинг розилигисиз белгиланган ишни бажаришга кетган муддат учун қайта тузилиши мумкин эмас (Меҳнат шартномаси 75-моддасининг 3-қисми).

Қандай ҳолларда меҳнат шартномаси дастлабки синов билан тузилади?

Меҳнат шартномасини тузишда ходимни унга топширилган топшириққа лойиқлигини текшириш ва меҳнат шартномасида келишилган ишнинг маъқуллиги тўғрисида қарор қабул қилиши мақсадида олдиндан синаши томонларнинг битимида белгиланиши мумкин.

Синов муддати маъмуриятнинг хоҳиши билангина эмас, балки ходимнинг розилиги билан ҳам белгиланиши мумкин. Ходим томонидан бундай розилик йўқ ҳолда меҳнат шартномасини тузиш мумкин эмас.

Меҳнат шартномасида дастлабки синов шартлари тўғрисида олдиндан келишилган бўлиши зарур. Агар бундай келишув бўлмаса ходим дастлабки синовларсиз ишга қабул қилинган бўлади.

Ҳомиладор, 3 ёшгача бўлган болали аёлларни, корхоналар учун ўрнатилган кам миқдордаги иш ўрни ҳисобига ишга юборилган шахслар, шунингдек олти ойгача бўлган муддатга тузилган меҳнат шартномасига тузилаётган ходимларни ишга олаётганида дастлабки синовлар жорий қилинмайди.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошмаслиги керак. Ходимнинг вақтинчалик ишга лаёқатсизлик ва бошқа даврлардаги, яъни узрли сабабларга кўра ишга келмаганлиги, синов муддатида ҳисобга олинмайди. Қонун билан белгиланган дастлабки синов муддати иш берувчи ва томонларнинг келишуви билан ҳам узайтирилиши мумкин эмас.

Дастлабки синов муддати меҳнат стажига киритилади. Шу билан бир вақтда ходимга корхона, муассаса, ташкилотларда

ўрнатилган меҳнат ва меҳнат шартлари қонунчилиги тўлиқ жорий қилинади.

Томонларнинг ҳар иккиси – иш берувчи ва ходим меҳнат шартномасини дастлабки синов муддати тугамасдан олдин тугатиши мумкин. Буни ёзма равишда уч кун олдин амалга ошириш керак. Иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси синов натижаларидан қониқмаганлиги туфайли тўхтатилиши мумкин. Томонларнинг келишувига кўра огоҳлантириш муддати кам бўлиши ҳам мумкин.

Ходим огоҳлантириш муддати ичида меҳнат шартномаларини тўхтатиш ҳақидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Дастлабки синов муддатини тугатишгача томонлардан бирортаси меҳнат шартномаларини тўхтатиш ҳақида маълум қилмаган бўлса, у ҳолда шартнома таъсир кучини йўқотмайди ва ходим синовлардан ўтган ҳисобланади. Меҳнат шартномасини кейинги бекор қилиш умумий қоидаларига кўра амалга оширилади.

Ходимнинг дастлабки синовлардан ўтганлиги ҳақида буйруқ чиқарилмайди. Синовнинг қониқарсиз натижаларига кўра ходимнинг ишдан бўшашини иш берувчи касаба уюшмаси ташкилоти билан келишмасдан ҳамда меҳнат ҳақини тўламасдан амалга ошириши мумкин.

Ўриндошлик бўйича қандай иш шартлари мавжуд?

Ўриндошлик – бу ходимнинг асосий иш ҳақи тўланадиган ва асосий иш жойидан бўш вақтида меҳнат шартномаси шартлари билан бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир.

Ўриндошликка асосий иш жойи билан бирга бошқа корхона, муассаса, ташкилотдан ҳам рухсат берилади. Ўриндошлик бўйича иш вақтининг давомийлиги кунига 4 соатдан ва асосий ишдан бўш кунда эса тўлиқ иш кунидан ошмаслиги лозим. Иш вақтининг умумий давомийлиги 12 соатдан ортмаслиги лозим.

Ўриндошлик бўйича ишлашда асосий иш жойидаги раҳбарининг розилиги талаб қилинмайди. Бошқа муассасага ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинаётганда ходим иш

берувчига паспорти ва асосий иш жойидан справкани тақдим этиши лозим.

Агар берилган иш махсус билимларни талаб қилса, раҳбар ходимдан маълумоти ва касбий тайёргарлиги ҳақидаги диплом ёки бошқа ҳужжатни сўраш ҳуқуқига эга.

Ўриндошлик бўйича 18 ёшга тўлмаган ва ҳомиладор аёлларга ишлаш чекланади.

Ўриндошларга меҳнат ҳақини тўлаш аниқ бажарилган иши учун амалга оширилади. **Уларни** мукофотлари, кўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа турли мукофотлар иш ҳақини тўлаш шартларида кўзда тутилганидек шу ташкилот, муассаса, корхонада ходимлар учун ўрнатилган тартиб бўйича амалга оширилади. Ўриндошлик бўйича ишлаётганларга меҳнат таътили қоидага кўра, асосий иш жойидаги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади. Ўриндошлик бўйича ишлаётган жойида меҳнат таътилига ҳақ умумий асосларга кўра тўланади.

Ўриндош билан меҳнат шартномаси қонунда кўзда тутилган асос бўйича тўхтатилиши мумкин. Меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича ишлаганлик ҳақидаги маълумотлар ходимнинг хоҳиши бўйича асосий иш жойида амалга оширилади.

Неча ёшдан ишга қабул қилиш мумкин?

Меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра 16 ёшдан ишга қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга ота-онасининг биттаси ёки уларнинг ўрнини босадиган шахснинг ёзма розилиги билан 15 ёшга тўлган шахслар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар, техник билим юртлари, ўрта таълим муассасалари ўқувчилари 14 ёшга тўлишлари ва ота ёки онасининг ёзма розилиги билан уларнинг соғлиқларига зарар етказмайдиган, ўқув жараёнларига ҳалал бермайдиган ва ўқишдан бўш вақтларда енгил меҳнатни бажаришлари учун ишга қабул қилинишлари ҳам мумкин.

Бу энг пастки ёш чегараси. Кекса ёшдаги кишиларни ишга қабул қилишдаги чеклашлар амалдаги қонунда кўзда тутилмаган. Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 214-

моддасига асосан иш берувчи 60 ёшга кирган эркаклар, 50 ёшга тўлган аёлларни, олдиндан (меҳнат шартномасини тузишда) ва вақти-вақти билан (иш жараёнида) тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Ишга қабул қилиш қандай тартибда расмийлаштирилади?

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқаришга асос бўлади. Меҳнат шартномасидагидек буйруқда тасдиқланган штат жадвалига ва меҳнат ҳақларини тўлаш шартларига мувофиқ иш (лавозим)нинг номи кўрсатилган бўлиши керак. Ходимга буйруқ **тилхат** орқали эълон қилинади.

Меҳнат кодексининг 82-моддасида кўрсатилганидек, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга **лавозим** шахс ёки унинг кўрсатмаси билан меҳнат шартномаси тузилган ҳужжатларни расмийлаштиришдаги камчиликларга қарамадан ходим ишга тушган ҳисобланади.

Ишга қабул қилишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат, 16 ёшгача бўлган шахслар туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома;

- меҳнат дафтарчаси, биринчи марта ишга қабул қилинаётганлар бундан истисно. Ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинаётганлар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойларидан справка кўрсатадилар;

- заҳирадаги ҳарбий ходим ёки ҳарбий хизматга чақирилувчининг ҳарбий билети ёки ҳарбий комиссариат ҳисобида турганлигини ифодаловчи гувоҳнома;

- олий ёки ўрта махсус таълим муассасасини тугатганлиги ҳақидаги диплом, ушбу ишни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ бажаришга

қўйилиши мумкин бўлган махсус маълумот ёки махсус тайёргарликка эга тегишли ҳужжати бўлган шахслар;

- ишга қабул қилишда ишга кирувчилардан қонунда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Кейинги вақтларда баъзи муассаса ва ташкилотларда ишга қабул қилиш жараёнида ишга қабул қилинаётган шахснинг шу лавозимга лойиқлигини аниқлаш мақсадида анкеталар, тестлар тўлдириш каби ҳолатлар учрайди. Шу тўғрими?

Ишга қабул қилишдаги зарур ҳужжатлар ичида (Меҳнат кодексининг 80-моддаси) анкеталар, тестлар ва бошқа бундай ҳужжатлар кўрсатилмаган. Иш берувчи уларни тўлдиришни талаб этолмайди. Агар ходим ўзи ҳақида қўшимча маълумотларни беришга қарши бўлмаса, бундай ҳужжатларни тўлдириши мумкин.

Ходимга ўзининг ижобий томонларини кўрсатиш, иш берувчига эса у ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишнинг самарали усули – бу суҳбатлашишдир.

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)НИ БЕКОР ҚИЛИШ

Ходим билан меҳнат муносабатларини тўхтатишда қуйидаги: «ишдан бўшаш», «меҳнат шартномасини тўхтатиш», «меҳнат шартномасини бекор қилиш» иборалари ишлатилади. Қайси иборани ишлатиш ўринли?

Олий Мажлис қарори билан 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларининг тугатилишини билдирувчи битта ибора – «меҳнат шартномасини бекор қилиш» ибораси қўлланилади. Бу иборани буйруқларда ва ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувлар киритаётганда ишлатиш зарурдир.

Меҳнат шартномасининг бекор қилинишига қандай асослар (сабаб) мавжуд?

Меҳнат кодексининг 97-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси қўйидагилардан келиб чиқиб бекор қилиниши мумкин:

1) Томонларнинг келишувига мувофиқ. Бу асосга кўра меҳнат шартномасининг барча турлари хоҳлаган вақтда бекор қилиниши мумкин.

2) Томонлардан бирининг ташаббуси билан.

3) Муддатнинг тугаши бўйича.

4) Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган шароитда.

5) Меҳнат шартномасида кўзда тутилган асосларга мувофиқ.

Меҳнат шартномасида меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисидаги шартлар қонунда йўл қўйилган ҳоллардагина айтиб ўтилиши мумкин.

3.1. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ХОДИМНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИШ

Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини тугатилиши тартиби қандай?

Меҳнат кодексининг 99-моддаси 1- қисмига мувофиқ ходим меҳнат шартномасини у хоҳ маълум муддатга, хоҳ ноаниқ муддатга тузилган бўлса, иш берувчини икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддатининг тугаши билан ходим ишлашни тўхтатади, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини беради ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ёзма равишда ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга лавозимдаги шахснинг номига ёзилади. Ариза ходим томонидан имзоланади ва ариза ёзилган сана кўрсатилади.

Ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Огоҳлантириш муддати мобайнида меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги аризани ходим қайтариб олиши

мумкин. Ариза огоҳлантириш муддати мобайнида, ҳатто охирги иш кунида қайтариб олинishi мумкин. Агарда томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақида илгарироқ муддат қўйилган бўлса, ходим келишилган муддатгача аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Ходим меҳнат шартномасининг бекор қилиниши кунигача ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши ва ички меҳнат қоидаларига бўйсунishi керак. Акс ҳолда иш берувчи ходимга нисбатан қонунда кўрсатилган тартибга чақирish чораларини қўллаши мумкин. Агарда икки ҳафталик огоҳлантириш муддатида ходим билан меҳнат шартномаси тўхтатилмаган бўлса ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади. Ушбу аризага асосан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Ходим томонидан берилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги ариза қайси кундан кучга киради ва огоҳлантириш муддати қандай ҳисобланади?

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги ходимнинг аризаси иш берувчи қабул қилган кундан бошлаб кучга киради. Меҳнат кодекси 13-моддасининг 1- қисмига мувофиқ меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги огоҳлантириш муддати ариза берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади. Огоҳлантириш муддати иш куни ҳисобидан эмас, балки календар бўйича санаб чиқилади. Икки ҳафта – бу 14 календар куни. Агарда икки ҳафталик огоҳлантириш муддати иш кунига (дам олиш ёки байрам)га тўғри келса, охирги иш куни, яъни меҳнат шартномасининг бекор қилиниш куни ундан кейин келувчи биринчи иш кунига тўғри келади (Меҳнат кодекси 13-моддаси 3-қисми).

Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги аризани иш берувчи қабул қилмаслиги ҳам мумкинми?

Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги аризани иш берувчи томонидан қабул қилмаслик мумкин эмас ва иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилигининг бузилиши деб қараш мумкин.

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги ходим томонидан берилган аризани қайтариб олишда иш берувчи рад этиш ҳуқуқига эгами?

Ходимга унинг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тўғрисида берган аризасини қонунда белгиланган (икки ҳафталик) ёки томонлар келишувига кўра огоҳлантириш муддатининг тугаши ёки қисқартирилиши давомида рад этиш қонунга зид ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси ходим ташаббуси билан у йўқ бўлган кунда ҳам бекор қилиниши мумкинми?

Ходимнинг меҳнат шартномаси бекор қилиниши кунда бўлмаслиги унинг меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги аризаси асосида ишдан бўшашига ҳалал бермайди.

Иш берувчи қайси ҳолларда ходим томонидан сўралган муддатда меҳнат шартномасини бекор қилиши керак?

Меҳнат кодекси 99-моддасининг 5- қисмига мувофиқ ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги аризасида кўрсатилган меҳнат фаолиятини давом эттира олмаслиги (ўқув юртига кирганлиги, нафақага чиқиши, бошқа лавозимга ўтиш ва бошқа ҳолларда) сабабли иш берувчи ходим сўраган муддатда меҳнат шартномасини бекор қилиниши зарур.

Ходим меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги огоҳлантириш муддати тугагунча ўзбошимчалик билан ишни ташлаб кетиши қандай оқибатларга олиб келади?

Ходим ўзбошимчалик билан қонун томонидан белгиланган икки ҳафталик меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги

огоҳлантириш муддатида, шунингдек томонларнинг келишуви билан қисқартирилган муддатда ишни ташлаб кетиш ёки сабабсиз ишга келмаслиги қонунбузарлик ҳисобланади.

Иш берувчининг ходимга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаши, ҳатто меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-банди (ходим томонидан меҳнат мажбуриятларининг сурункали бузилиши) ёки 4-банди (ходим томонидан меҳнат мажбуриятларини бир марталик қўпол бузиши)га кўра у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ходимга нисбатан маъмурий жазони қонун томонидан белгиланган икки ҳафталик ёки томонлар келишувига кўра ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қисқартирилган огоҳлантириш муддати тугагунча қўллаш мумкин.

3.2. ИШ БЕРУВЧИ ТАШАББУСИ БИЛАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишида қандай талабларга риоя қилиш керак?

Номалум муддатга тузилган, шунингдек тезликдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш муддатигача иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши:

- асосланган бўлиши шарт. Меҳнат кодекси 100-моддасининг (сабаблари кейинги жавобларда кўрсатилган) иккинчи қисмида кўрсатилганидек, асосланганлик сабаблардан бири бор эканлигини билдиради;

- иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тартибини кўрсатишда талабларга риоя қилиш шарт;

- меҳнат кодексининг 67-моддасида кўрсатилганидек иш берувчи ходимга моддий ёрдам беришга мажбур;

- жамоавий келишув, жамоавий шартномада, бошқа локал битимларда, шунингдек ходим билан тузилган меҳнат шартномасида кўзда тутилган талаблар бажарилиши шарт.

Қандай асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига рухсат этилади?

Номаълум муддатга тузилган, шунингдек тезкор меҳнат шартномасининг муддати тугагунча иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига қуйидаги сабаблардан бири мавжудлигида рухсат этилади:

1) технологиялардаги ўзгаришлар, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, иш ҳажмининг қисқариши, ходимлар сонининг (штатнинг) ёки иш характерининг ўзгариши, ёхуд корхонанинг ёпилиши (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 1-банди);

2) ходимнинг соғлиги (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 2-банди) ёки малакасининг етишмаслиги, унинг бажариладиган ишга муносиб эмаслиги;

3) ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузиши (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 3-банди);

4) ходимнинг бир неча бор кўпол равишда меҳнат мажбуриятларини бузиши (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 4-банди);

5) ўриндош ҳисобланмаган ходимни ишга қабул қилиш сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, шунингдек ўриндошлик бўйича меҳнат шартларига асосан иш ҳажмининг чекланиши туфайли (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмининг 5-банди).

Иш берувчи ташаббуси билан ўриндошлик бўйича тузилган меҳнат шартномаси 5-бандга, айрим ҳолларда 1-4-бандларга асосан бекор қилиниши мумкин.

Қандай муддатда иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида огоҳлантиришга мажбур?

Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ иш берувчи ёзма равишда ходимга у билан меҳнат шартномасини қуйидаги муддат ичида бекор қилиши ҳақида эълон қилишга мажбур:

1) технологиялардаги ўзгаришлар, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, иш ҳажмининг қисқариши, ходимлар сонининг (штатнинг) ёки иш характерининг ўзгариши, ёхуд корxonанинг ёпилиши (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 1-банди) туфайли камида икки ой олдин;

2) ходимнинг соғлиги ёки малакаси етишмаслиги сабабли (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 2-банди), у бажараётган ишга тўғри келмаслиги туфайли меҳнат шартномасини бекор қилиш – камида икки ҳафта олдин;

3) ходимнинг айблов ҳаракатлари (Меҳнат кодекси 100-моддасининг 3-банди ходим томонидан мунтазам равишда меҳнат мажбуриятларини бузиши ва 4-банди бир неча бор ходимнинг меҳнат мажбуриятларини қўпол бузиши) туфайли уч кун олдин эъон қилинади.

Иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинаётган меҳнат шартномасида ходимга берилаётган огоҳлантириш муддатига қайси даврлар киритилмайди?

Меҳнат кодекси 102-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ ташкилотнинг ёпилиши туфайли меҳнат муносабатларини тўхтатишдан ташқари, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги огоҳлантириш муддатига вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги даври, шунингдек унинг давлат ёки жамият мажбуриятларини бажариш вақти киритилмайди.

Ходимнинг бошқа даврдаги йўқлиги (ҳақ тўланадиган меҳнат таътилида ва иш ҳақи сақланмаган таътиллер, отгуллардан фойдаланиш ва ҳ.к.) иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги огоҳлантириш муддатида қўшиб ҳисобланади.

Меҳнат кодекси 100-моддасининг 3-қисмига мувофиқ иш берувчи ташаббуси билан ходимнинг вақтинча ишга лаёқатсизлик даври ва меҳнат ҳақидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган таътиллер чоғида меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шундай қилиб, огоҳлантириш муддатига ходимнинг таътилда вақти қўшиб ҳисобланган бўлса ва бу муддат таътил

тугагунча тамом бўлиб таътил давом этса, у ҳолда иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини фақатгина таътил муддати тугагандан сўнг бекор қилиши мумкин.

Иш берувчи ташаббуси билан қандай ва қайси тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди?

Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

ташкilotнинг батамом ёпилиши ҳолларидан ташқари, меҳнат ҳақидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганидек ходимнинг вақтинчалик ишга лаёқатсизлик ва таътилдалик даврида;

ташкilotнинг батамом ёпилиши ҳолларидан ташқари, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача фарзандлари бўлган аёлларни меҳнат билан таъминлаш мажбурияти (Меҳнат кодекси 237-модда 1-қисми) билан меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Қандай тартибда иш берувчи ташаббуси билан (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича) меҳнат шартномасини бекор қилиш амалга оширилади?

Меҳнат кодекси 101-моддасининг 1-қисмига мувофиқ ташкilotнинг батамом ёпилиши ҳолларидан ташқари иш берувчининг ташаббуси билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа раҳбар органлари билан олдиндан келишилмасдан - агар бундай келишув жамоавий битим ёки жамоавий шартномада кўзда тутилган бўлса, бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Иш берувчи касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органлари ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бергани тўғрисида қарор қабул қилган кундан 1 ой мобайнида меҳнат шартномасини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат кодексининг 102-моддасига биноан иш берувчи ёзма равишда (имзосига кўра) ходимни маълум муддатда (огоҳлантириш муддати олдинги жавобларда кўрсатилган) у

билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантиришга мажбур. Меҳнат кодекси 100-моддасининг 1 ва 2-қисмларида кўзланганидек, ходим ва иш берувчи ўртасидаги огоҳлантириш пуллик компенсация (ўрнини тўлдириш) билан алмашиниши ва у огоҳлантириш муддатининг давомийлигига мувофиқ келиши зарур.

Айбли ҳаракатлар туфайли меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги огоҳлантиришдан ташқари, огоҳлантириш муддати мобайнида ходимга ҳафтада бир марта иш ҳақи сакланиб қолган ҳолда бошқа иш излаши учун ишга келмаслик ҳукуқи берилади.

Иш берувчи ходимларнинг манфаатини ифодаловчи тегишли касаба уюшмаси органлари ва бошқа органларга ходимларнинг оммавий бўшатилиши мумкинлиги тўғрисидаги ахборот ўз вақтида камида икки ой олдин тақдим этади ва бўшатиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлар ўтказди.

Шунингдек, иш берувчи икки ой илгари меҳнат бўйича маҳаллий органларга яқинда бўладиган ва ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси, меҳнат ҳақи ҳажмини кўрсатган ҳолда ишдан бўшатиш ҳақидаги маълумотни етказиши шарт.

Ходимлар сонининг (штатнинг) ёки иш характерининг ўзгариши (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 1-банди), ходимнинг етарлича малакага эга эмаслиги ва бажараётган ишига мувофиқ келмаслиги ёки соғлиги туфайли (Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 2-банди) иш берувчи ходимни шу ташкилотда меҳнат билан таъминланиш борасида чоралар кўришга мажбур.

Меҳнат кодекси 101-моддасининг 4-қисмига мувофиқ меҳнат интизомини бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилиш ходимга нисбатан юклатилган маъмурий жазо муддати тугагунча йўл қўйилмайди (Меҳнат кодекси 182-моддаси).

Ходим томонидан содир этилган ва меҳнат шартномасини бекор қилинишига олиб келиши мумкин

бўлган қандай интизомбузарлик қўпол интизомбузарлик ҳисобланади?

Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 4-бандига мувофиқ ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келадиган бир марталик қўпол интизомбузарликлар рўйхати:

- ички меҳнат тартиби қоидалари асосида;
- ташкилот эгаси ва ташкилот раҳбари ўртасидаги меҳнат шартномаси;
- алоҳида тоифадаги ходимларга нисбатан интизом ҳақидаги Низом ва уставлар асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 7 майда 834-рақами билан тасдиқланган “Корхона, муассаса, ташкилотнинг қайси идорага тегишлилигидан, эгаллик шакллари ва бошқарувидан қатъий назар намунавий ички меҳнат қоидалари тартиби”нинг 2.38-бандида меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келадиган бир неча марта содир этилган қўпол интизомбузарликлар рўйхати берилган:

- ижро интизомини бузганлиги, (Ўзбекистон Республикаси Президентининг буйруқ ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарор ва буйруқларида, юқори ташкилотлар ҳукми, хокимият ва иш берувчи томонидан қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминланмаслик);

- ишга келмаслик (узрсиз сабабларга кўра иш куни давомида ва узлуксиз равишда ишга келмаслик);

- тиббий хулосага ёки гувоҳ кўрсатмалари асосида тасдиқланган алкоголь, наркотик ёки токсинли мастлик ҳолида ишга келиш;

- иш жойидан муассаса мулкани гувоҳлар тасдиқлаган ўғирликни содир этиш;

- тарбиявий вазифаларни бажарувчи ходимнинг ушбу ишни давом эттиришга мос бўлмаган ахлоқсиз ҳатти-ҳаракат қилиши;

- корхона ходимлари, жумладан қоида бузувчининг ҳам ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган техника хавфсизлиги ишлаб чиқариш технологиясини қўпол бузиши;

- ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бузиши Ўзбекистон Республикасида жорий этилган энг кам иш ҳақининг ___ бараваридан ортиқ ҳажмда моддий зарар келтириши;

- ходим томонидан меҳнат шартномасида сир тутиш келишилган тижорат сирларининг ошкор қилиниши;

- бевосита пуллик ёки моддий қийматли моллар билан хизмат қилувчи ходим томонидан айбли иш содир этилса, агар бу ҳатти-ҳаракат унга нисбатан иш берувчи томонидан ишончни йўқотишга асос бўлса.

Келтирилган қоидаларда қўпол тартибузарликлар рўйхати намунавий хусусиятга эга бўлиб, улар юқорида кўрсатилганидек, тегишли маҳаллий расмий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилиши лозим ва шундагина улар асосли бўлади.

Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 4- бандида кўрсатилганидек, ходим томонидан меҳнат мажбуриятларининг бузилиши қўпол хусусиятга эгаллиги масаласи ҳар бир аниқ ҳолларда қилинган ножўя ҳатти-ҳаракатнинг оғирлиги, сабаб ва оқибатларидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

Раҳбар нафақага чиқаётган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эгами?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларини бекор қилиш учун ходимнинг қандайдир аниқ ёшни эгаллаши кўзда тутилмаганлиги асос қилиб олинган. Масалан, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиги туфайли бекор қилиниши мумкин. Бу ҳолда, аввало шунчаки касаллик борлиги ҳақида эмас, балки ходимни аниқ лавозимда ишлай олмаслиги кўрсатилган тиббий ҳулоса талаб қилинади.

Ходимдан меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳисоб бўлими томонидан қарзи йўқлик варақасини топшириши ва моддий қимматга эга буюмлар ҳақида ҳисобот бериши талаб этилади ва ҳисоб-китоб кечиктирилади. Бу тўғрими?

Бундай амалиёт қонуний эмас, меҳнат қонунчилиги мазмунига зид, чунки меҳнат шартномасини бекор қилишга киришган ходим иш вақтида корхонасидан қарзи бор ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотни йиғиш билан машғул бўлмай, ишлаши керак. Қарзи йўқлик варақаси корхона, муассаса, ташкилотнинг баъзи масъул ходимларига ўзларининг тўғридан-тўғри мулкни сақлаш борасидаги ишларини ишдан бўшаётган ходим зиммасига юклатиш имконини беради. Қарзи йўқлик варақасининг тўлдирилмаганлиги тўлиқ ишдан бўшашга қаршилиқ қилмайди. Буни ходим номида баъзи-бир моддий қимматга эга нарсалар мавжуд ҳолларда ҳам амалга ошириш мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш тартиби қандай?

Меҳнат кодекси 107-моддасининг 1-қисмига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруқда меҳнат шартномасини бекор қилишга асос ва санаси кўрсатилиши керак. Буйруқ ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Буйруқда кўрсатилган ва меҳнат шартномасини бекор қилишга асос Меҳнат кодексининг 87, 89, 97, 99, 100, 105, 106 моддалардаги таърифларга ёки меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келган қўшимча асослар кўрсатилган бошқа меърий ҳужжатларга мос келиши лозим. Буйруқда Меҳнат кодекси ёки меърий ҳужжатнинг моддаси, қисми ва банди кўрсатилиши шарт.

Нафақага, касаллиги, ногиронлиги боис, аспирантурага, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириши ёки бошқа имтиёзлар бериш билан боғлиқ сабабларга кўра ишдан кетиши туфайли ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда буйруқда унинг сабаблари кўрсатилади. Буйруқдаги келтирилган сабаблар албатта зарурий ҳужжатлар билан тасдиқланиши шарт.

Меҳнат кодексининг 108-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасининг бекор қилиш кунида иш берувчи ходимга

унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиши ҳақидаги тўғри расмийлаштирилган буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Меҳнат кодекси 107-моддасининг 2-қисмига мувофиқ меҳнат шартномасининг бекор қилиш куни охириги иш куни ҳисобланади.

IV. ИШ ВАҚТИ

Иш вақти қонун ёки қонун асосида ўрнатилган ва шу вақт мобайнида ходим ишнинг тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномасининг шартларига мувофиқ ўзининг меҳнат мажбуриятларини бажариши керак бўлган вақтдир.

Ходим учун иш вақтининг меъёрий давомийлиги ҳафтасига 40 соатдан (Меҳнат кодекси 115-моддасининг 1-қисми) ошмаслиги керак.

Олти кунлик иш ҳафтасида кунлик иш соати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида саккиз соатдан (Меҳнат кодекси 115-моддасининг 2-қисми) ортиб кетмаслиги лозим.

Иш вақти тартиби ички меҳнат қоидалари тартиби ёки алмашилиш графиги орқали аниқланади ва барча ходимларга татбиқ этилади. Айрим ҳолларда иш вақти режимини конкретлаштириш, шунингдек тўлиқсиз иш вақти, ўзгарувчан иш графиги ҳақида битимга келиши зарурати келиб чиқиши мумкин.

Қандай ҳолатларда тўлиқсиз иш куни ўрнатилади?

Ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (Меҳнат кодекси 199-моддасининг 1-қисми) белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳомиладор аёлнинг илтимосига кўра, шунингдек 14 ёшгача фарзанди бўлган (16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган) аёл, шу билан бирга унинг қарамоғида бўлган ёки оила аъзоларидан биронтаси касал ҳисобланиб, у тиббий хулосага мувофиқ шу касални парвариш қилса, иш берувчи уларга тўлиқсиз иш куни

ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини ўрнатишга мажбур (Меҳнат кодекси 229-модда).

Тўлиқсиз иш вақти асосида ишлаётган ходим учун ҳар йилги асосий таътилнинг давомийлигида, меҳнат стажини ҳисоблаш ва бошқа меҳнат ҳуқуқларида қандайдир чегараланишларга йўл қўйилмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқаришга мутаносиб ҳолда ҳақ тўланади (Меҳнат кодекси 119-моддасининг 3-қисми).

Ўзгарувчан тартибдаги иш вақти нима?

Ички меҳнат тартиб қоидалари ёки бошқа маҳаллий қонуний ҳужжатлар, улар бўлмаган ҳолда эса – иш берувчи ва ходим ўртасида ўзгарувчан тартибдаги иш вақтини қўллашга, яъни алоҳида ходимлар ёки бўлинмалар жамоасига (маълум доирада) шундай иш вақтини ташкил қилиш шакли қўлланиладики, унда иш кунининг бошланиши, тугаши ва умумий давомийлигини ўзлари бошқаришга рухсат берилади. Бунда қонунда белгиланган иш соати миқдорини қабул қилинган ҳисобга олиш даврида (иш куни, ҳафтаси, ойида) тўлиқ ишлаш талаб қилинади.

Ўзгарувчан тартибли иш вақтини қабул қилиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан қабул қилинади.

Ходимлар томонидан ўзгарувчан график бўйича иш шартларини бузиш ҳолларида иш берувчи уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Қандай иш хизмат вақтидан ташқари бажарадиган ишга киради, кимларга, қайси шартларга кўра бундай ишга рухсат берилади ва унга қандай ҳақ тўланади?

Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ ходим учун белгиланган кунлик иш муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Бундай иш ходимнинг розилиги билан қўлланилиши мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишлаш давомийлиги ҳар бир ходим учун мунтазам икки кун мобайнида 4 соатдан ва йил давомида 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Иш сменасининг муддати

12 соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Ўн саккиз ёшга етмаганларни иш вақтидан ташқари ишлашга жалб этиш ман этилади. Шунингдек, ҳомиладор аёллар, 14 ёшгача фарзандлари (16 ёшгача бўлган ногирон болалари) бўлган аёлларни уларнинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари меҳнатга камида икки баробар ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига кўра иш вақтидан ташқари меҳнатга компенсация тариқасида ишлаб берилган иш вақтидан ташқари меҳнат соатлари билан тенглаштирилган миқдорда дам оладиган кун бериш мумкин.

Қайси вақт тунги иш вақти ҳисобланади ва бу вақтдаги меҳнатга қандай ҳақ тўланади?

Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги иш вақти ҳисобланади (Меҳнат кодекси 122-моддаси 1-қисми).

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қискартирилади (Меҳнат кодекси 122-моддаси 2- қисми).

Тунги ишларга 18 ёшга тўлмаганларни жалб қилиш ман этилади. Тунги иш вақтида ҳомиладор, 14 ёшгача фарзандлари бўлган аёллар (16 ёшгача бўлган ногирон фарзандлари борлар) уларнинг розилигисиз ишлашга жалб қилинмайди. Бунда тунги ишларга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшгача фарзандлари бўлган аёлларни жалб этиш фақатгина бундай иш она-боланинг соғлигига зарар етказмаслигини тасдиқловчи тиббий хулосанинг борлиги тақдирдагина йўл қўйилади (Меҳнат кодекси 228-моддаси).

Ногиронларни тунги иш вақтида меҳнатга жалб этиш уларнинг розилиги билан ва тиббий тавсияларда бундай ишлар ман этилмаган ҳолдагина рухсат берилади (Меҳнат кодексининг 220-моддаси 5-банди).

Тунги иш вақтидаги ҳар бир иш соатига 1,5 баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади (Меҳнат кодексининг 158-моддаси 1-қисми).

Тунги иш вақтидаги меҳнати учун юқори ҳақ тўлаш тариф ставкаси (лавозимлик маоши)га киритилмайди (Меҳнат кодексининг 158-моддаси 2-қисми).

Дам олиш кунларида ишлашга рухсат бериладими?

Аввало, шуни назарда тутмоқ керакки, ходим учун ҳафта давомида дам олишга ажратилган кунларда ишлаш ман этилади. Иш берувчининг буйруғига биноан алоҳида ходимларни дам олиш кунларида меҳнатга жалб қилиш истисно тарзида жамоавий шартномада асосли ва тартибли кўрсатилганидек рухсат берилади, агар шартнома тузилмаган бўлса – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси ёки бошқа ходимларнинг вакиллик органлари келишуви асосида аниқланади (Меҳнат кодексининг 130-моддаси 1-қисми).

Дам олиш кунларидаги меҳнат учун икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Жамоавий шартномада ҳақ тўлашнинг аниқ миқдори белгиланади, агарда шартнома тузилмаган бўлса, бу иш берувчининг касаба уюшмаси ёки бошқа ходимларнинг вакиллик органлари билан келишуви асосида аниқланади (Меҳнат кодексининг 157-моддаси 1-қисми). Ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш кунларидаги меҳнати компенсация тариқасида дам олиш кунлари бошқа кунда (отгул) берилиши мумкин. Дам олиш кунларидаги меҳнати учун компенсациядаги отгулга ҳақ тўлаш бир ҳисса миқдоридан кам бўлмаслиги керак (Меҳнат кодексининг 157-моддаси 2-қисми).

Иш берувчи томонидан дам олиш кунларидаги ишларни бажариш ҳақидаги кўрсатмалар касаба уюшмаси билан келишилган ёзма буйруқ билан расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Буйруқда отгул кунининг санаси ёки икки баробар миқдордаги ҳақ тўлаш кўрсатилган бўлиши шарт. Таътил муддатининг дам олиш кунларидаги меҳнат учун берилган отгуллари ҳисобидан узайтирилиши мумкин эмас.

Кутубхонада белгиланган алоҳида тоифадаги, масалан китобхонларга хизмат кўрсатувчи бўлимлар ходимларининг дам олиш кунлари байрам кунларига тўғри келиб қолса, маъмурият бундай ҳолларда уларга қўшимча дам олиш куни беришга мажбурми?

Байрам кунлари ва дам олиш кунларининг тўғри келиб қолишида, қоидага кўра дам олиш куни байрам кунидан кейинги кунга кўчирилади.

V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

Ташкилотларда меҳнат тартиби қандай ўрнатилади?

Меҳнат кодексининг 174-моддасига мувофиқ корхонадаги меҳнат тартиби иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат қоидалари билан белгиланади.

Ички меҳнат тартиби қоидалари меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва чек қўйиш, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланиш, меҳнат интизоми ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги қонуний муносабатларнинг бошқа масалаларини тартибга солувчи асосий муайян меъёрий ҳужжатлардир.

Мажбуриятларнинг икки томонлама характери: иш берувчининг ходимларга ва ходимларнинг иш берувчига нисбатан муносабатлари ички меҳнат қоидаларининг бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятидир. Шунга кўра, қоидаларни иш берувчи ҳам, ходимлар ҳам бажаришга мажбурдирлар.

Меҳнат кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан (№ДЖ 008/243-сонли 1999 й. 7 майдаги ҳужжати) ва Ўзбекистон маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси (1999 йил 7 майдаги 372-сонли ҳужжати асосида) келишилган ҳолда «Корхона, муассаса, ташкилотларнинг идоравий бўйсунуши, мулкчилик шакли ва бошқарувидан қатъий назар ички меҳнат тартиби намунавий

қоидалари»ни тасдиқлаган ва у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14 июнда 746 рақами билан рўйхатга олинган. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларида алоҳида тоифадаги ходимлар учун тартиб интизом тўғрисидаги (Меҳнат кодексининг 175-моддаси) устав ва қоидалар амал қилади.

Ходимларнинг лавозим мажбуриятлари ким томонидан ва қандай белгиланади?

Ходимларнинг лавозим мажбуриятлари якка лавозим йўриқномасида белгиланади. Лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқишга ходимлар лавозимининг квалификациян хусусияти, кутубхона устави (Низоми) ва бошқа ҳужжатлар асос бўлади.

Лавозим йўриқномалари маъмурият томонидан кутубхонанинг ўзига хос хусусиятларини, ташкилий структурасининг ўзига хослиги, маъмурий бошқаруви, кадрлар таркиби, уларнинг назарий ва амалий тайёргарлик даражаларини эътиборга олган ҳолда тузилади. Лавозим йўриқномаси лойиҳасини юрист билан маслаҳатлашилган, юқори ташкилот билан келишилган ҳолда кутубхона раҳбари ёки кутубхона қарамоғида бўлган муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади. Бажарувчи ҳам, муассасаса раҳбари ҳам лавозим йўриқномасига қатъий риоя қилишлари лозим. Шу билан бирга ишлаб чиқариш зарурати туғилган ҳолларда ходимга лавозим мажбуриятларидан ташқари, лекин унинг билим ва маҳоратидан келиб чиққан ҳолда баъзи фаолият турларини топшириш имкониятини рад этмайди. Лавозим йўриқномаларига қўшимчалар киритиш ёки уни ўзгартириш албатта асосланиб берилиши, сабаблари кўрсатилиши керак. Меҳнат шартлари ўзгаришига тааллуқли барча саволлар, чунончи қўшимча мажбуриятларни киритиш, меҳнат ҳажмини кўпайтириш (кенгайтиришда) ва унга мос равишда ҳақ тўлаш ҳақида гап кетганда қўл остидаги ходимлар билан келишилган ва улар томонидан ёзма тасдиқланган бўлиши шарт.

Агарда қайсидир бир савол юзасидан бир фикрга келиша олинмаган бўлса, бу муаммони меҳнат мунозаралари бўйича комиссияси (ҳайъати) ҳал қилиб бериши мумкин. Шунда ҳам

келишмовчилик ҳал этилмаса, у ҳолда бу муаммо суд орқали ҳал этилади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларига виждонан муносабатда бўлиши, ишдаги муваффақиятлари қандай рағбатлантирилади?

